

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАКИРОВА МУХЛИСА ЮНУСОВНА

**ГИПОФИЗ АДЕНОМАСИ БЎЛГАН КАТТА ЁШЛИЛАРДА ЎСИШ
ГАРМОНИ ТАНҚИСЛИГИ (КЛИНИКА ВА ТАШХИСЛАШ)**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шакирова Мухлиса Юнусовна

Гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш
гормони танқислиги (клиника ва ташхислаш) 3

Шакирова Мухлиса Юнусовна

Дефицит гормона роста у взрослых с аденомами
гипофиза (клиника и диагностика) 25

Shakirova Mukhlisa Yunusovna

Growth hormone deficiency in patients with
various pituitary adenomas(clinic and diagnosis) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАКИРОВА МУХЛИСА ЮНУСОВНА

**ГИПОФИЗ АДЕНОМАСИ БЎЛГАН КАТТА ЁШЛИЛАРДА ЎСИШ
ГАРМОНИ ТАНҚИСЛИГИ (КЛИНИКА ВА ТАШХИСЛАШ)**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Урманова Юлдуз Махкамовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нажмутдинова Дилором Камаритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кариев Гайрат Маратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Истиния Университети, Туркия

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда гипофиз аденомаси (ГА) тиббий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Гипопитуитаризмнинг энг асосий сабабларидан бири нофаол гипофиз аденомалари, портал томирларнинг эзилиши интераселуляр босимнинг ошиши ҳисобига ривожланган ўсма вазни ҳисобланади «...гипопитуитаризм бир миллион аҳолига нисбатан 12-42 нафарни ташкил этиб, ҳозирги кунда унинг даражаси 300-455 ҳолатгача ошганлиги аниқланган»¹. Катталарда учрайдиган ЎГЕги ривожланиши «...суякларнинг минерал зичлиги пасайиши ва остеопароз хавфининг ортиши, юрак-қон томир тизими касалликлари, кардиал фаолият бузилиши, семириш, инсулинсезгирлик, жисмоний фаоллик ҳажмининг пасайиши, эмоционал бузилишларнинг юзага келиши...»² ҳаёт сифатининг пасайиши билан боғлиқ бўлади. ЎГЕ касалликнинг оғир асоратлари давлатга сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтиради. Муаллифларнинг маълумотларига кўра «...ЎГЕ беморлари умумий популяцияга нисбатан соғлиқни сақлаш тизимининг хизматидан кенг қамровли фойдаланса,-да, хастланган беморларда остеопароз ҳам ривожланиши аниқланган».³ Касалликни самарали даволаш ва олдини олиш, асоратлари авж олиш хавфининг учраш даражасини камайтириш муаммонинг долзарблиги ва заруратини белгилаб беради.

Жаҳонда гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш гормони танқислигини ташхислаш ва даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада гипофизнинг турли аденомалари билан оғриган беморларда ЎГЕнинг учраши, хиазмал-селляр соҳасида турли ўсмалари бўлган беморлар ҳаёт сифати ва эндокрин статус ҳолатини асослаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. ЎГЕли ва ЎГЕсиз гипофизнинг турли аденомаси билан хасталанган беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичлари, ЎГЕли гипофиз аденомаси билан оғриган беморларга ГТАдан сўнг ген-инженер ўсиш гармонини даволаш учун қабул қилган ва ўрнини босувчи терапиясиз дори қабул қилган беморларнинг қиёсий тавсифини бажариш беморлар ҳаёт сифатига таъсир этувчи омилларни башоратлаш, соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини ташкиллаштириш муҳим ахамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли эндокрин ва нейроэндокрин касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш

¹World Healt Organization. World Healt Statistick, 2014.

²Н. Ishii, А. Shimatsu, Y. Okimura, Т. Tanaka, 2012.

³ Tritos Nicholas А., 2017.

тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш»⁴га қаратилган муҳим вазифалар кўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи гипофиз аденомаларида бўй ўсиш гормонининг етишмовчилигини ташхислаш беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда касаллик асоратларини камайтириш, профилактик чора-тадбирлари механизмни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЎГЕ кўпроқ гипофиз аденомаси билан оғриган беморларда гипофизнинг тропик фаолиятини бузилишининг биринчи белгиси сифатида учрайди (М.Бессер, 2005). Гипофиз аденомаси морфологик жиҳатдан хавфсиз ва секин ривожланувчи ўсма, аммо унинг ўсиши эндокрин, неврологик бузилишлар, артериал қон босимининг ортиши билан бирга юзага келиши ва селляр соҳадаги ўсма ривожланишининг илк белгиларидан бири бўлиб, гипофизнинг соматотроп фаолиятини пасайтиради (Ҳ.Окимуро, Т.Танака, 2012; J.O.L. Jorgensen, 2005; Tritos Nicholas A., 2017; Майкл Бессер, 2005). ЎГЕ билан хасталанган катта ёшли беморларда ЎГнинг генинженерия терапиясида кардиоваскуляр касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини пасайиши кўрсатилган (К.Сихара, Ҳ.Като, Н.Кохно, К.Такао, 2006; Tomlinson et al., 2001). Гипофизни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг ЎГ ўрнини босувчи терапиянинг бошланғич муддатлари, беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда бошқалар турли мунозараларга сабаб бўлмоқда (Hitoshi Ishiia, Akira Shimatsub, Hiromi Hishinagac., 2017; C.Spielhagen, C.Schwahn, K.Möller, 2011). Дания Миллий Регистри томонидан ўсиш гармони етишмовчилигига чалинган катта ёшли беморларни даволаш юзасидан олиб борилган тадқиқотларда (2017) Кушинг касаллигига чалинган (180 нафар), гипофизнинг фаол бўлмаган аденомаси бўлган (783 нафар), гипофизда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти ёки нур терапияси олган беморларда синишларнинг олдини олиш учун 30 кун давомида генинженер ўсиш гармони

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

билан даволаш кўрсаткичлари келтирилган. Гипофиз аденомаси бўлган катта ёшли беморларда нур терапияси ёки жарроҳлик амалиёти олиб борилгандан сўнг ЎГЕ касалликнинг оғир кечишига сабаб бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифати ва ҳаёт давомийлигига салбий таъсир этади (Varsseveld N.C, et al., 2016). Бошқа муаллифлар эса ўсиш гармонининг ЎГТ фонида ЎГЕ бўлган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларин (SF-36) яхшиланишини тасдиқлайдилар (Crespo I, et al 2015). ЎГЕ билан оғриган катта ёшли беморлар соғлиғини сақлаш учун сарфланадиган харажатлар йилига миллий ўрта меъёрдан 35% дан кўплиги кўрсатилди (M.Brod, 2014). Ҳозиргача ЎГЕ биомаркерларини топиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Испаниялик тадқиқотчилар масс-спектрометрия усули билан ЎГЕнинг биомаркерлари бўлган учта оқсилни аниқладилар. Бу учта оқсил: аполипопротеин А-IV, 4 боғланган оқсил Н-комплемент омили ва тромбоцитларнинг асосий оқсили етишмовчилигининг бирга келиши ЎГЕ биомаркери бўлиб ҳисобланади (Orteaa Ignacio, Ruiz-Sanchezd Isabel, Caneteb Ramon et all., 2018).

Ўзбекистонда эндокрин касалликлари, жумладан, қандли диабет ва қалқонсимон без касалликларининг тарқалиши, уларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган (С.И.Исмоилов, 2000; 2018; А.С.Зайиров, 2018; Н.М.Алихонова, 2018; Т.Т.Камалов, 2018), шунга қарамадан гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш гормони танқислигини ташхислаш ва даволашнинг самарали тизими яратилмаган.

Шу билан бирга ЎГЕни эрта ташхислашга оид масалалар баҳсли бўлиб қолмоқда, гипофизда жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг ЎГнинг ўрнини босувчи даволаш усулини қўллаш муддатлари ва бошқалар турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, катталарга ЎГни буюришдаги кўрсатмалар ичига гипофизар касалликнинг аниқ юзага чиқмаган белгилари ёки патологиялари бўлмаган ЎГнинг изоляциялашган етишмаслиги билан хасталанган беморларни ҳам киритиш мумкин. Худди шу нарса гипофизда амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан сўнг, бош миядан олинган шикастланишлардан сўнг ЎГ етишмаслигининг юзага келишига ҳам тааллуқли бўлади.

Шундай қилиб, катта ёшли беморларда учрайдиган ЎГЕ муаммоси, шу жумладан, гипофизнинг турли аденомаларида учрайдиган ўсиш гормони етишмовчилиги замонавий нейроэндокринологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ФДСС 12.8 «Гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд беморлар организмида нейроэндокрин ва паракрин тизимлари фаолиятини бошқаришнинг молекуляр-генетик механизмлари» (2012–2016) илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гипофизнинг турли ўсмалари билан оғриган беморларда ўГЕнинг ўзига хослигини ва генинженерияда ўсиш гармонии ёрдамида даволашда гипофизни селектив аденоэктомиясидан сўнг беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипофизнинг турли аденомалари билан оғриган беморларда ўГЕнинг учраш сонини баҳолаш;

хиазмал-селляр соҳасида турли ўсмалари бўлган беморлар ҳаёт сифатини ва эндокрин статус ҳолатини баҳолаш;

ўГЕли ва ўГЕсиз гипофизнинг турли аденомаси билан оғриган беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш;

ГТАдан сўнг ўГЕли гипофиз аденомаси бўлган, генинженер ўсиш гармонини қабул қилган беморлар ва ўсиш гармонии ўрин босувчи терапиясини қабул қилмаган беморларнинг қиёсий тавсифини бажариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида рўйхатдан ўтган гипофиз аденомаси билан хасталанган 306 нафар бемор тадқиқотда иштирок этган, улардан 115 нафари тадқиқотнинг кейинги босқичларини олиб бориш учун танланган бўлиб, улар орасидан 13 нафар бемор генинженер ўсиш гармонии – жинтропинни даволаш мақсадида қабул қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гипофиз гармонии етишмаслик даражасини баҳолаш учун қон зардоби, гипофизнинг МРТси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида беморлар ҳаёт сифатини баҳолашда QoI AGHD саволномаси, клиник-биокимёвий, инструментал нейроофтальмологик, рентгенологик-гипофизнинг МРТси, буйрак усти безларининг МСКТ ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипофиз аденомаси билан хасталанган беморларда нафақат ўсиш гормонининг етишмаслиги, балким тропгормонларнинг кўп миқдорда етишмаслиги асосланган;

ўсиш гормонининг етишмаслиги бўлган гипофиз аденомаси билан хасталанган беморларни ҳаёт сифати, ўсиш гормонининг етишмаслиги бўлган гипофиз аденомаси билан оғриган беморларнинг қиёсий аспекти, ўГЕ беморларида КЖнинг сезиларли даражада пасайиши фонида СТГ ва ИФР-1ни пасайиши, ИМТни ортиши исботланган;

биринчи бор генинженерия гармонии терапияси фонида гипофиз селектив аденоэктомиясидан сўнг беморлар ҳаёт сифати динамикаси ва уни ўрнини босувчиларсиз олиб борилган терапия даволаш гуруҳи натижалари билан солиштириш тартиби асосланган;

субъектив ва гармонал тадқиқотлар асосида ўсиш гормонии етишмаслигининг оғирлик даражасини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

катталарда ўсиш гормони етишмаслигини эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган бу эса гипофиз тропфеолиятининг пасайиши эрта муддатларида ушбу тоифа беморларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўсиш гормони етишмовчилиги бўлган гипаталомо-гипофизар тизими ўсмалари маълумотлар базаси гипофизнинг турли аденомалари бўлган ЎГЕ беморларига тегишли маълумотларни киритиш, сақлаш ва таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган;

Бу маълумотлар базаси келгусида Ўзбекистон Республикаси бўйича гипофиз аденомаси мавжуд беморларнинг регистрини яратиш, шунингдек, мазкур тоифа беморлари ҳаёт сифатини яхшилаш учун уларда гипопитуитаризм ривожланиши муддатлари ва сонини башорат қилиш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси томонидан «Ўсиш гормони етишмовчилиги бўлган гипаталомо-гипофизар тизими ўсмалари» маълумотлар базаси учун 2011 йил 25 мартда «BGU 00263-сонли гувоҳнома» олинган;

олинган клиник маълумотлар асосида умумий амалиёт шифокорлари ва эндокринологлар амалиётида қўллаш мумкин бўлган катталарда ЎГЕни ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, эпидемиологик, антропометрик, клиник-биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш гормони танқислигини ташхислаш ва даволаш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гипофизнинг селектив трансазал аденоэктомиясидан сўнг ўсиш гормони етишмовчилиги бўлган беморларда генинженер гармонининг самарадорлиги аниқлангани билан изоҳланади. Шунингдек, катталарда кузатиладиган ЎГЕни баҳолаш учун қўлланиладиган QoI AGHD саволномасининг натижавийлиги ЎГЕли беморларда олиб борилган кузатиш динамикасида кўрсатилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЎГЕ саволномаси ва адабиётлар таҳлили асосида оғирлик даражаси бўйича катталардаги ЎГЕнинг субъектив ва объектив белгилари шкаласи ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун таклиф этилди. Касаллик белгиларининг намоён бўлишини клиник баҳолаш ҳар бир ҳолатда индивидуал амалга оширилди. Кўрсатилган шкалага мос ҳолда катталардаги ЎГЕда қуйидаги даражалар таклиф қилинди: 0–25 балл энгил даража ЎГЕ, 26–34 балл ўрта даражадаги ЎГЕ, 35–75 оғир даража.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш гормони танқислигининг ташхислаш ва клиникаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўсиш гормони етишмовчилигида гипоталамо-гипофизар тизими хажмининг шаклланиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 8н-д/78-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма биринчи гипофиз аденомаларида бўй ўсиш гормонининг етишмовчилигини клиникаси ва тасхишлаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

«Катталарда турли гипофиз аденомаларида бўй ўсиш гормонининг етишмовчилигини ташхислаш ва беморларни олиб бориш тактикаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 8н-д/78-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма катталарда турли гипофиз аденомаларида бўй ўсиш гормонининг етишмовчилигини даволашгача ва даволашдан кейин беморларни олиб бориш тактикаси танланган даволаш тизимини яратиш имконини берган;

гипофиз аденомаси бўлган катта ёшлиларда ўсиш гормони танқислигининг ташхислаш ва даволашни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари эндокрин диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 04 декабрдаги 8н-з/224–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ўсма тажоввузкорлигининг нейровизуализацион маркери бўлиб тотал ўсишини турли вариантлари бўлиши, жумладан, 46,2% супра-инфралатероселлиар ўсиш, супра-инфраселлиар ўсиш кузатилган ва ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гипофиз аденомаларида ўсиш гормони етишмовчилигининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда катталардаги ЎГЕнинг клиникаси, ташхислаш усуллари ва даволашининг замонавий аспекти, шунингдек, идиопатик ЎГЕдаги клиник-диагностик ўзига хослиги, ХСНдаги, гипофиз аденомасидаги хусусиятлари таҳлил қилинган. Бунда ўрганилаётган муаммо бўйича трайл ва кўп марказли тадқиқот натижалари қўлланилган.

Диссертациянинг **«Гипофиз аденомаларида ўсиш гормонининг етишмовчилигини ташхислаш ҳамда даволашни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда клиник материалнинг тавсифи ва қўлланиладиган усуллари акс эттирилган. Бизнинг кузатувларимиз остида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий марказ (РИЭИАТМ) қошидаги нейроэндокринология ва гипофиз нейрожарроҳлиги бўлимида 2008–2015 йиллар давомида амбулатор ва стационар шароитда гипофизнинг турли аденомалари ва ЎГЕ билан даволанган 115 нафар бемор бўлди.

Беморлар 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳга гипофизнинг турли аденомалари билан оғриган (ГТАБО), достинекс, каберголин дори воситаларини қабул (МТ) қилган 50 нафар бемор; 2-гуруҳга (ГТАБО), гипофизнинг трансназал аденоэктомияси (ГТА) амалиёти бажарилган 31 нафар бемор; 3-гуруҳга (ГТАБО), ГТА+нур билан даволаш ёки комбинациялашган даволаш (КД) усуллари қўлланилган 34 нафар бемор киритилди. Қиёсий гуруҳга ГТАдан сўнг генинженер ўсиш гормони – жинтропинни (Еврофарм) 6 ой давомида қабул қилган 13 нафар бемор киритилди. 20 нафар бемор эса мос бўлган ёшдаги назорат гуруҳини ташкил этди. Бундан ташқари, ЎГЕ ва гипофиз аденомаси билан оғриган 81 нафар беморнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди, шунингдек, 97 нафар АГ ва ЎГЕ беморлар ҳаёт сифатини баҳоловчи QoL AGHD бўйича анкета саволномаси ўтказилди. Назорат остига олинган 115 нафар бемордан 41 нафарида (35,6%) (РИЭИАТМ) нейрожарроҳлик бўлими базасида жарроҳлик усули билан даволаш амалга оширилди (профессор К.Э.Маҳкамов, профессор М.П.Поуэлл (Буюк Британия)). Бунда ГТА 9 нафар беморда, қайта жарроҳлик муолажаси 4 нафар беморда амалга оширилди. Жами 41 нафар беморда 50 жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ўтказилган 50 жарроҳлик амалиётидан 43 ҳолатда трансназал гипофизэктомия (ГТА) бажарилган бўлса, ўсмани олиб ташлаш билан бифронтал краниотомия 7 ҳолатда амалга оширилди. 34 (29,5%) нафар бемор нур терапиясини қабул қилди, улар

орасидан 10 (29,4%) нафар беморда қўшимча равишда ГТА ҳам амалга оширилди.

Касалликка ташхис қўйиш клиник, гормонал, рентгенологик (гипофизнинг МРТ ва КТси) текшириш усуллари асосида амалга оширилди. Касалликнинг бошланиши 2 ойдан 25 йилгача бўлган муддатни ташкил этди. 1-жадвалда беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимооти келтирилган.

1-жадвал

Беморларнинг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши (ЖССТ бўйича)

Ёши	Аёллар сони	Эркаклар сони	Жами
16 – 29	11 (9,6%)	13 (11,3%)	24 (20,8%)
30–44	27 (23,5%)	16 (13,9%)	43 (37,4%)
45–59	20 (17,4%)	9 (7,8%)	29 (25,2%)
60–74	8 (6,9%)	7 (6,0%)	15 (13,0%)
75 ва катталар	4 (3,5%)	-	4 (3,4%)
Жами: n = 115	70 (60,9%)	45 (39,1%)	115

Б.А.Кадашев томонидан (2007 йил) таклиф этилган гипофиз аденомаси ўсишнинг топографоанатомик таснифи бўйича беморларни тақсимлаш шуни кўрсатдики, гипофиз аденомасининг энг кўп даражада ўсиши эндосупраселляр ўсиши 27 (37,5%) нафар беморда, инфраселляр ўсиш 2 нафар, латероселляр ўсиш 3 нафар, антеселляр ўсиш 1 нафар, ретроселляр ўсиш 1 нафар, ўсишнинг тотал варианты 21 (29,1%) нафар беморда кузатилди.

Гипофиз аденомаси ўлчамига боғлиқ ҳолда КТ/МРТда гипофизнинг куйидаги ўзгаришлари қайд этилди: микроаденомалар (<10мм) 24 нафар беморда (20,8%); макроаденома (30 мм гача) 57 нафар беморда (49,5%), гигант аденомалар (30 мм дан ортиқ) 34 нафар беморда (29,1%) кузатилди.

2-жадвал

Селляр соҳа патологияси хусусиятларига қараб беморларни тақсимлаш

Касаллик ташхиси	Беморлар сони	ГТА+КТ жарроҳлик амалиёти ўтказилган	Қайта операция қилинганлар
ФБА-фаол бўлмаган аденомалар	87	31	1
Краниофарингиома	10	9	1
Менингиома	1	1	Йўқ
Астроцитома	1	1	1
Герминома	1	Йўқ	Йўқ
Пролактинома	10	3	1
Иценко-Кушинг касаллиги	5	5	Йўқ
Жами	115	50	4

2-жадвалда беморлар гипофизи аденомаси КТ/МРТ таҳлили асосида селляр соҳа патологиясининг характери бўйича тақсимот материаллари келтирилган.

Таснифга киритиш мезонлари: гипофиз аденомаси ва ЎҒЕ беморлари. Тадқиқот гуруҳига киритилмаслик мезонлари бўлиб кўп сонли эндокрин

неоплазияси бўлган беморлар (MENI) ва CNS ва бошқа онкологик касаликка чалинган беморлар ҳисобланади.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили STATISTICA 6.0 Microsoft Excel компьютер дастури асосида олиб берилган. Касалликнинг тарқалганлик даражаси ёш ва жинс гуруҳлари мсос келадиган %лардаги нисбатига тўғри келиши керак. Ўртача арифметик қиймат Стъудент формуласи асосида ўртача арифметик хатоларнинг нисбати $M \pm m$ дан аниқланган.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқот натижаларининг таҳлили**» деб номланган учинчи боби 3 бўлимдан ташкил топган бўлиб, унда олиб борилган тадқиқот натижалари кетма-кет берилган. Бунда турли генезли гипофиз аденомаси билан оғриган беморларнинг клиник-ташхисий ўзига хослиги, биокимёвий ва гормонал бузилишлари ўрганилган. ЎГЕ оғирлигига кўра ишлаб чиқилган лаборатор-инструментал мезонлар шкаласи ҳар бир қиёсий гуруҳда алоҳида қўлланилди.

Адабиётлар ва ЎГЕ саволномаси маълумотларининг таҳлили асосида касалликнинг оғирлик даражаси бўйича катталардаги ЎГЕнинг объектив ва субъектив белгилари шкаласи ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Белгиларни намоён бўлишини клиник баҳолаш ҳар бир ҳолатда индивидуал равишда амалга оширилди. Биз, ишлаб чиққан субъектив белгилар шкаласи ва катталардаги ЎГЕ компенсация белгиларига кўра назорат гуруҳида ушбу саволнома бўйича умумий баллар йиғиндиси 3 баллни ташкил этди. Катталардаги ЎГЕда кўрсатилган шкала бўйича олинган баллар қуйидаги натижаларга мос бўлди: 0–25 балл – компенсацияланган, 26–34 балл – субкомпенсацияланган, 35–75 балл – декомпенсацияланган. Бундан ташқари қонда СТГ ва ИФР-1 етишмаслик даражаси ишлаб чиқилди. Демак, плазмадаги СТГ учун – СТГ < 0,96 нг/мл да энгил, СТГ < 0,5 нг/мл да ўртача ва СТГ < 0,3 нг/мл да оғир шаклдаги ЎГЕлар фарқланди. Плазмадаги ИФР-1 учун ИФР-1 < 134 (133-100) нг/мл да энгил етишмаган, ИФР-1 < 100 (99-50) нг/мл да ўртача етишмаслик ҳолатидаги ва ИФР-1 < 50 (49-0) нг/мл да оғир етишмаслик ҳолатидаги ЎГЕлар фарқланди.

ЎГЕ учун қўлланиладиган QoI AGHD саволномаси асосида 115 нафар бемор ҳаёт сифатини тадқиқ қилиш натижасида шу нарса аниқландики, барча тадқиқот гуруҳларида тўпланган ўртача балл меъёрий маълумотларга нисбатан солиштирилганда юқори бўлди (меъёр < 11 балл).

Қон зардобидаги ИФР-1 ва СТГ паст базал белгилар ўртасида ишончли корреляцион алоқа ва ЎГЕ QoI AGHD саволномасининг ўртача белгилари 1-, 2-, 3-гуруҳ беморларида топилди, бу эса турли генездаги ДРГВ беморларининг ЎГЕ QoI AGHD саволномаси қўлланиши билан тасдиқланади.

2-жадвалда кўрсатилганидек, 115 нафар ГНА бемордан 19 (21,8%) нафарида ЎГЕнинг энгил, 34 (39%) нафарида ЎГЕнинг ўртача ва 34 (39%) нафарида ЎГЕнинг оғир шакли кузатилди. ПРЛ бўлган беморларнинг 4 нафарида (40%) ўртача ва 6 нафарида (60%) ЎГЕнинг оғир шакли кузатилди. ИКК бўлган беморлардан 2 нафарида (40%) ўртача ЎГЕ даражаси ва 3 нафарида (60%) ЎГЕнинг оғир шакллари кузатилди. КФ бўлган беморларнинг 4

нафарида (40%) ЎГЕнинг ўртача даражаси қайд этилса, 6 нафарида (60%) ЎГЕ оғир шакллари қайд этилди.

Шундай қилиб, натижаларга кўра ЎГЕнинг ўртача оғирлиги 44 нафар беморда (38%) ҳамда ЎГЕнинг оғир шакли 52 (45,2%) нафар беморда доминант кўрсаткичларга эга бўлди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ЎГЕнинг учраш сони, шунингдек, ўсма ўлчамига боғлиқ ҳолда нейроэндокрин ва гормонал бузилишлар ўрганилди. Буни ҳисобга олган ҳолда, СТГнинг ҳаддан ташқари эрта тушиб кетиши гипофиз ўсмасининг эндо-латероселляр соҳасида ўсиши ҳолатларида кузатилишини кутиш мумкин. Биздаги 21 (18,2%) ҳолатда ўсманинг худди шундай ҳолатда ўсиши кузатилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, гипофизнинг макроаденомаси билан оғриган барча беморларда у ёки бу даражада намоён бўлган нейроэндокрин бузилишлар қайд қилиниб, бу ҳолат гипофизда ўсманинг ўсиши билан мураккаблашиб боради. Бузилишлар характери ўсманинг ўлчами, қайси томонга қараб ўсишига боғлиқ ҳолда бир қатор махсус (битемпорал гемианопсия, скотомалар, гипопитуитаризм, бош суяк чаноғи-мия асабларининг зарарланиши) ва номахсус (пирамидали белгилар, мускул тонусининг диффуз пасайиши, рефлекс) белгиларга эга бўлади.

Перспектив тадқиқот маълумотларига кўра энг яққол намоён бўлган нейроэндокрин ва офтальмологик бузилишлар гипофизнинг гигант аденомаси билан оғриган беморларда учрайди. Ўсма тажаввузкорлигининг нейровизуализацион маркери бўлиб, унинг тотал ўсишининг турли вариантлари, айнан 56 нафар беморда кузатилган супра-инфра-латероселляр ўсиш (46,2%) ҳисобланиши мумкин.

ЎГЕ беморларини QoL AGHD саволномаси ёрдамида пролактинома билан текшириш шу нарсани аниқладики, улардаги ўртача балл 19 бални ташкил этди.

ПРЛ беморларининг 4 нафарида ўртача оғирликдаги ва 6 нафарида оғир даражадаги ЎГЕлар аниқланди. Пролактиномали беморларда ўртача ТВИнинг 1-2 даражаси, абдоминал семириш ҳолатлари, артериал қон босимининг ортиши, айнан ЎГЕнинг ўртача ва оғир даражадаги шакллари билан оғриган беморларда кузатилади.

СТГ ва ЛГ етишмаслигининг бирга келиши пролактиномали 2 нафар, СТГ, ЛФ, ФСГ етишмаслиги эса 8 нафар беморда кузатилди. Бирга келишнинг бошқа вариантлари аниқланмади. ЎГЕнинг ўртача ва оғир даражаси билан оғриган беморларда дислепидемия ҳолатининг юзага келиши бизнинг диққатимизни ўзига қаратди. Барча беморлар қон плазмасида ИФР-1 нинг оғир даражадаги етишмаслиги ва ЎГЕнинг ўртача оғирлик ҳолати қайд этилди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган катталардаги ЎГЕнинг компенсацияси ва субъектив белгилари шкаласи бўйича баҳолашга мос ҳолда ГНА беморлари гуруҳида ушбу саволнома бўйича тўпланган баллар йиғиндиси 22 баллни ташкил этди.

ГНА беморларда ЎГЕнинг енгил шакли 19 нафар, ўртача – 17 нафар ва 34 нафар беморда оғир даражадаги шакли аниқланди. ГНА беморларида ТВИнинг

ўртача 1-2 даражаси, абдоминал семириш аниқланди, аммо артериал қон босимининг кўтарилиши қайд этилмади.

ГНА беморларининг 14 нафарида СТГ ва ЛГ, 16 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ, 22 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ ва ТТГ, 11 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ, ТТТ ва АКТГ етишмаслигининг бирга келиши, 7 нафарида эса СТГ, ЛГ, ФСГ, ТТТ, АКТГ етишмаслиги ва қандсиз диабет патологияларининг бирга келиши аниқланди. ЎГЕнинг ўртача ва оғир даражаси билан оғриган беморларда дислипидемия ҳолатининг юзага келиши бизнинг диққатимизни ўзига қаратди.

Шундай қилиб, ГНА гуруҳи беморларида гипопитуитаризмнинг турли вариантлари учради.

Биз ишлаб чиққан катталардаги ЎГЕ компенсацияси ва субъектив белгилари шкаласи бўйича баҳолашга мос ҳолда ИКК беморлари гуруҳида ушбу саволнома бўйича тўпланган баллар йиғиндиси 18 баллни ташкил этди.

ИКК беморларида ЎГЕнинг ўрта даражаси 2 нафар ва оғир даражаси 3 нафар беморда аниқланди. ИКК беморларида ТВИнинг ўртача 1- ва 2- даражаси, абдоминал семириш аниқланди, аммо артериал қон босимининг кўтарилиши қайд этилмади.

ИКК беморларининг 2 нафарида СТГ ва ЛГ, 3 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ етишмаслигининг бирга келиши аниқланди. ЎГЕнинг ўртача ва оғир даражаси билан оғриган беморларда дислипидемия ҳолатининг юзага келиши бизнинг диққатимизни ўзига қаратди.

Шундай қилиб, ИКК гуруҳи беморларида гипопитуитаризмнинг турли вариантлари учради.

КФ беморларидан 4 нафарида ўртача ва 6 нафарида оғир даражадаги ЎГЕлар аниқланди. КФ беморларида ТВИнинг ўртача 1- даражаси, абдоминал семириш аниқланди, аммо артериал қон босимини кўтарилиши қайд этилмади.

КФ беморларининг 4 нафарида СТГ ва ЛГ, 3 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ, 2 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ ва АКТГ, 1 нафарида СТГ, ЛГ, ФСГ, ТТГ, АКТГ ва НД етишмаслигининг бирга келиши аниқланди. ЎГЕнинг ўртача ва оғир даражаси билан оғриган беморларда дислипидемия ҳолатининг юзага келиши бизнинг диққатимизни ўзига қаратди.

Шундай қилиб, КФ беморларида СТГ, ЛГ, ФСГ ва АКТГ ўртача белгиларининг энг паст бўлиши кузатилди, шунингдек, ЎГЕ саволномаси бўйича энг юқори балл қайд этилди. Биз ишлаб чиққан ЎГЕнинг оғирлик даражаси шкаласи бўйича 115 нафар бемордан 65 нафарини (56,5%) ЎГЕнинг оғир шакли, 33 нафари (28,6%) ўртача даражаси ва фақат 17 нафарини (14,7%) касалликнинг энгил даражадаги шакли билан оғриган беморлар ташкил этади.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, селляр соҳанинг турли ўсмалари бўлган 306 нафар бемор ичидан танлаб олинган 115 (37,5%) нафар гипофиз аденомаси бўлган беморда ЎГЕ аниқланган, бундан 108 нафарида ўртача ва оғир даражадаги касаллик шакллари кузатилди (93,9%).

Гипофиз аденомаси бўлган беморларда гипопитуитаризм учраш сонини ўрганиш шуни кўрсатдики, даволашгача изоляцияланган ЎГЕ 9 нафар (7,8%) беморда, иккита троп гормони (ЎГ, ЛГ) гипопитуитаризми 22 нафар (19,1%), 3 та троп гормони (ЎГ, ЛГ, ФСГ) гипопитуитаризми 30 нафар (26,0%), 4 та троп

гормон (ЎГ, ЛГ, ФСГ, ТТГ) гипопитуитаризми 22 нафар (19,1%), 5 та троп гормони (ЎГ, ЛГ, ФСГ, АКТГ) гипопитуитаризм 2 нафар (1,7%), 6 та троп гормони (ЎГ, ЛГ, ФСГ, ТТГ, АКТГ) гипопитуитаризми 11 нафар бемор (9,5%)да учради, пангиопитуитаризм ёки СТГ, ЛГ, ФСГ, ТТГ, АКТГ гормонларининг биргаликдаги етишмаслиги ва қандсиз диабет билан оғриган беморлар 19 (16,5%) нафарни ташкил этди.

Ўсманинг ўлчамига қараб, назорат остига олинган беморлардаги турли нейроэндокрин ўзгаришларнинг натижасида шу нарса аниқландики, беморларнинг 2-, 3- гуруҳларида пангиопитуитаризм 21/24 нафар беморда энг кўп даражада учради (36,8%/70,6%), шу билан бир вақтда 1-гуруҳда пангиопитуитаризм кузатилмади ва гипофиз микроаденомаси бўлган 19 (79,6%) нафар беморда ЎГЕ аниқланди.

Битемпорал гемианопсия, шунингдек, 2- ва 3-гуруҳ беморларида кўп, яъни 15/11 ҳолатда кузатилди (26,3%/32,3%). Бундан ташқари, иккиламчи аминорея ҳам 2- ва 3-гуруҳ беморларида тез-тез, 5/8 (1,7%/17,6%) учради. Иккиламчи остеопения, эндокрин энцефалопатия, жисмоний ва жинсий ривожланишнинг ортда қолиши, қандсиз диабет каби патологик ҳолатлар ҳам 2- ва 3-гуруҳ беморларида аниқланди.

Шундай қилиб, энг кўп намоён бўлган нейроэндокрин ва офтальмологик бузилишлар 2- ва 3-кичик гуруҳларга кирган беморларда аниқланди. Гипофиз аденомаси билан оғриган беморлардаги энг кўп учраган шикоятларга қуйидагилар киритилди: семириш 31 (26,9%), битемпорал гемианопсия 28 (24,3%) нафар, иккиламчи аминорея 13 нафар беморда (11,2%) кузатилди.

МиАли беморлардаги қон зардобиди ИФР-1, СТГнинг ўртача белгиларининг ишончли пасайиши қайд этилди. Плазмадаги троп-СТГ, ЛГ, ФСГ гормонларининг базал даражасининг ўртача белгиларини янада ишончли пасайиши 2- ва 3-гуруҳ беморларида қайд этилган бўлса, 3-кичик гуруҳда бунга қўшимча равишда АКТГ гормони пасайишини ҳам қўшиш мумкин. Бунда 3-гуруҳ беморларида иккиламчи тавсифланувчи субклиник гипотериоз қайд этилди. Гиофизнинг гигант аденомасидан азият чекувчи беморларда биринчи навбатда СТГ, ИФР-1, ФСГ, ЛГ ва АКТГ гормонлар даражасининг пасайиши қайд этилади.

Шундай қилиб, селляр соҳа ўсмалар ўлчамининг қиёсий тавсифи маълумотларига кўра қуйидаги тенденция ўз ўрнига эга бўлди, яъни турк эгаридаги ўсмалар ўлчамининг ортиб бориши билан гипофизнинг троп гармони вазифаси ва биринчи навбатда МиА беморларида СТГ пасайди.

Диссертациянинг «**QoI AGHD саволномаси ёрдамида олиб борилган даволашдан олдин ва кейинги хиазмал – селляр соҳадаги турли ўсмалар билан азият чеккан беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида жарроҳлик амалиётигача ва ундан кейин хиазмал-селляр соҳада турли ўсмалари бўлган беморларда «Ўсиш гормони етишмаган катта ёшлилар ҳаёт сифати» саволномасини қўллаш аҳамиятининг таҳлили бажарилган ва олинган маълумотлар ЎГЕ беморлари маълумотлари билан таққосланган. Сўнгра селляр соҳада турли ўсмалари бўлган беморларда катталардаги ЎГЕ ни ташхислаш алгоритми баён этилган.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот маълумотларига кўра 3-гуруҳ беморларида ЎҒЕ QoI AGHD саволномаси асосида уларнинг ҲСни ўрганиш шуни кўрсатдики, барча беморларнинг ўртача бали даволашгача меъёрдан юқори бўлди, бу ЎҒЕда когнетив фаолиятининг пасайишини кўрсатади. Энг юқори ўртача балл (25 баллдан 22,5) меъёрий маълумотларга солиштирилганда (меъёрда <11 балл) 3-гуруҳ беморларида аниқланди. Барча гуруҳларда саволноманинг ўртача белгиси меъёрдан юқори бўлди (11 балл), бунда энг юқори намоён бўлган кузатишлар 3-гуруҳ беморларида кузатилди.

3-жадвал

Турли даволаш турлари қўлланилгандан сўнг 3-гуруҳ беморларининг сўровномадан кейинги ҳаёт сифати ва гормонал кўрсаткичлари маълумотлари динамикаси (ЎГ даволашда ўрнини босувчи даволанишдан кейин)

Гуруҳдаги беморлар сони	Ўртача балл	СТГ	P1	ИФР-1	P ₂
1 гуруҳ (n= 50)	16,3 ± 0,4	0,11 ± 0,03	< 0,5	74,3 ± 2,5	< 0,5
P3		< 0,5		< 0,5	
2 гуруҳ (n= 31)	16,1 ± 0,3	0,39 ± 0,03	< 0,5	78,2 ± 2,8	< 0,1
P3		< 0,5		< 0,1	
3 гуруҳ (n= 34)	23,0 ± 1,9	0,28 ± 0,05	< 0,5	61,4 ± 4,2	< 0,1
P3		< 0,5		< 0,1	
P3		< 0,1		< 0,1	
P3		< 0,5		> 0,5	
Назорат	7,3 ± 0,4	3,5 ± 0,3		485 ± 9,8	
Меъёр	< 11 б	2-5 нг/мл		134-836 нг/мл	

Изоҳ: P1 – ЎҒЕ фарқининг назорат билан ишончилиги, P2 –ИФР-1фарқининг назорат билан ишончилиги, P3 – сўровнома корреляциясини ДЎТВ ўртамеъёр кўрсаткичлари билан ишончилиги СТГ, ИФР-1.

Шундай қилиб, 115 нафар беморда ЎҒЕ QoI AGHD саволномаси асосида ҲСни ўрганиш натижасида аниқландики, барча гуруҳлардан олинган ўртача балл, меъёрлар билан солиштирилганда даволашгача бўлган вақтда меъёрдан анча юқори бўлганлигини кўрсатди (меъёрда <11 балл). Сўнгра 115 нафар беморнинг ЎҒЕ QoI AGHD саволномаси асосида ҳаёт сифати кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлик даражаси даволашгача бўлган даврда қонда ИФР-1 ва СТГ базал белгилари ўрганилди.

Сўнг ҳаёт сифатини баҳолашда мазкур саволнома кўрсаткичлари динамикаси ва мос келувчи даволаш усуллари қўлланилгандан (дори воситалари билан, ГТА-жарроҳлик усули билан, ГТА+нурли даволаш усули

билан) кейинги 6 ойдан сўнг 3-гуруҳ беморларидан олинган гормонал маълумотлар, ЎГ ўрнини босувчи терапиясиз олинган маълумотлар ўрганилди. 3-гуруҳдаги барча беморларда олиб борилган 6 ойлик даволашдан кейин (ЎГ терапияси ўрнини босувчиларисиз) ЎГЕ QoI AGHD саволномаси бўйича балларнинг ўртача белгиси ИФР-1 ва СТГ ўртача белгиларининг пасайиши фонида ишончли равишда юқори бўлди. Бу дори воситалари билан даволаш ўтказилганда (каберголин), жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан анча кейинги даврдаги ГТА беморларида, шунингдек, комбинациялашган терапияларда (ТГЭ+нурли терапия) СТГ бўйича гипопитуитаризмнинг намоён бўлиш даражаси сакланиб қолади.

Шундай қилиб, 115 нафар беморда ЎГЕ QoI AGHD саволномаси асосида ҲСни ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, барча гуруҳлардан олинган ўртача балл, меъёрлар билан солиштирилганда даволашгача бўлган вақтда меъёрдан анча юқори бўлганлигини кўрсатди (меъёрда <11 балл), бу, айниқса, 3- гуруҳ беморларида яққол намоён бўлди.

Қон зардобидаги ИФР-1, СТГ паст базал белгилари ва ЎГЕ QoI AGHD саволнома ўртача белгилари орасидаги корреляцион боғлиқлик 1-, 2-, 3-гуруҳ беморларида ва даволаш ўтказилгандан кейинги барча гуруҳларда аниқланди, бу турли генездаги ДЎГВли беморларда ЎГЕ QoI AGHD саволномасини қўллашнинг юқори самарали эканлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, кўрсатилган гуруҳларда гормонал терапияни ген муҳандислик ЎГлари орқали буюриш масаласи қўйилди.

Тадқиқотда, шунингдек, ЎГЕ ва ЎГЕсиз гипофиз аденомаси билан оғриган ҲС беморлари ўрганилди. Шу мақсадда биз гипофиз аденомаси билан оғриган 97 нафар беморни ўрганиб, анкета сўровномаси тўлдирилди. Ушбу беморлар орасида гипофизнинг нофаол аденомаси (ГНА) билан ва ЎГЕ билан оғриган 20 нафар (10 эркак ва 10 аёл) ҳамда 20 нафар (10 эркак ва 10 аёл) НГАГ билан оғриган, аммо ЎГЕсиз беморларни танлаб олдик. Беморлар узоқ вақт давомида, ҳафтада икки марта 0,5 мг Каберголин қабул қилдилар.

Ҳар икки тоифа беморларида антропометрик кўрсаткичлар динамикаси ўрганилди. ЎГЕли беморлар гуруҳида касаллик бошида ва кузатишлардан 6 ой ўтгандан сўнг олинган антропометрик маълумотлар келтирилган. ЎГЕ беморларида олиб борилган кузатишларнинг бошида 1-даражали семириш 3 нафар, семиришнинг 2-даражаси эса 10 нафар ва семиришнинг 3-даражаси 7 нафар беморда кузатилди. Даволанишсиз 3 ой давомида олиб борилган кузатувлардан сўнг 1- даражали семириш 3 нафар, семиришнинг 2-даражаси эса 10 нафар ва семиришнинг 3 даражаси 7 нафар беморда кузатилди. Аммо 6 ой давомида олиб борилган кузатувлардан сўнг 1-даражали семириш 1 нафар бемор кузатилди, 2- ва 3- даражали семириш эса мос ҳолда 10 ва 9 нафар беморда кузатилди. Шундай қилиб, 6 ой давом этган кузатишлардан сўнг ТВИ кўрсаткичи бу беморларда ошди.

ЎГЕсиз беморларда кузатишларнинг бошида семиришнинг 1-даражаси 16 нафар, семиришнинг 2- даражаси эса 2 нафар ва семиришнинг 3-даражаси 2 нафар беморларда аниқланди. Аммо кузатишларнинг 3 ва 6 ойдан сўнг ҳам натижалар ўзгаришсиз қолди. Шундай қилиб, 6 ой давомида олиб борилган

кузатишларда ушбу беморларда ТВИ кўрсаткичи ўзгаришсиз қолди. Кейинчалик QoI AGHD саволномаси маълумотлари бўйича ҲС кўрсаткичларини динамикаси ва ЎГЕли 20 нафар беморнинг гормонал маълумотлари ҳамда кузатишларнинг 3 ва 6 ойи давомида ЎГЕсиз 20 нафар бемор кўрсаткичлари ўрганилди. Текширилган ЎГЕли 20 нафар беморда 3 ва 6 ой давомида олиб борилган кузатишларда ДРГВ саволномаси бўйича ўртача балнинг ишончли равишда ортиши ИФР-1 ва СТГ нинг ўртача белгиларининг ишончли равишда пасайиш фонида кузатилиши аниқланди.

Шундай қилиб, ЎГЕсиз ва ЎГЕли гипофиз аденомаси гуруҳлари, СТГ, ИФР-1 ва QoI AGHD саволномасининг баллари ТВИ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, беморларда ҲСнинг сезиларли пасайиши, СТГ фонида ЎГЕ беморлари сонининг камайиши, ТВИнинг ортишини кўрсатади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, биз ЎГЕ ташхис алгоритми ва катталардаги гипофиз аденомасининг гипопитуитаризми ишлаб чиқдик.

Диссертациянинг **«Гипофизнинг трансназал селектив аденоэктомиясидан сўнг беморларни генинженер Жинтропин (Еврофарм) ўсиш гормони билан даволаш самарадорлигини баҳолаш»** номли бешинчи бобида ушбу гуруҳ беморларида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда 13 нафар ТГЭ жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморда амалиётдан 3 ва 6 ойдан сўнг беморлар ҳаёт сифати саволномаси бўйича баҳолаш кўрсаткичларининг динамикаси ва гормонал маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот гуруҳидаги беморлар 6 ой давомида объектив кўрик маълумотлари назорати остида генинженер ЎГ «Жинтропин» дори воситасини қабул қилдилар. Препарат дозаси 0,033 мг/кг/кун ҳисобидан, ҳар куни тери остига, уйқудан олдин (21.00–22.00) буюрилади.

ЎГЕ ташхиси қон зардоби таркибидаги СТГ даражасининг кўрсаткичлари, ИФР-1 етишмаслиги ва 2-3 троп гормонлар етишмаслиги асосида ўрнатилди, катта ёшлилардаги ЎГЕнинг Консенсусига мос ҳолда пангипитуитаризмда инсулин билан стимуляция тестни амалга ошириш мумкин эмас.

Аденогипофиз гормонларининг кўп сонли етишмаслиги (МДГА) 13 нафар беморда аниқланди (100%). Якуний антропометрик кўрсаткичлар таҳлилида куйидаги баркамол ривожланиш кўрсаткичлари аниқланди: юқори ва пастки сигмент нисбати, ТВИнинг ўртача белгилари меъёрий белгилар даражасида бўлди. Ўтказилган даволаш фонида тананинг меъёрдаги мутаносиблиги сақланиб қолди. 6 ой давомида ўтказилган даволашдан сўнг ўсиш тезлиги ўзгармади, шу вақтда эса ТВИ $31,38 \pm 0,9$ дан $25,6 \pm 0,3$ кг/м² гача камайди. Бундан ташқари тана оғирлигининг, шунингдек, ОТ, ОБ, ОТ/ОБ кўрсаткичларининг ЎГ билан 6 ой давомида олиб борилган даволашдан сўнг ишончли пасайиши кузатилди. Сўнгра ГТАда ўтказилган жарроҳлик амалиётидан 3 ва 6 ой ўтгандан сўнг 13 нафар жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморда ИФР-1, СТГ концентрациясининг гормонал маълумотлари ва ҳаёт сифатини баҳолашда мазкур саволноманинг динамик кўрсаткичлари ўрганилди (4-жадвал).

Генинженер ўсиш гормони билан даволанган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳоловчи ўртача кўрсаткичлар ва гормонал кўрсаткичлар

Беморлар сони	ЎГни 3 ой даволашдан кейин ўртача балл	ЎГни 6 ой даволашдан кейин ўртача балл	ЎГни 3 ой даволашдан кейин СТГ	ЎГни 6 ой даволашдан кейин СТГ	ЎГни 3 ой даволашдан кейин ИФР-1 миқдори	ЎГни 6 ой даволашдан кейин ИФР-1
(n= 13)	14,4 ± 3,4	10,2 ± 2,5	1,13 ± 0,04	2,03 ± 0,05	154,3 ± 22,6	208,9 ± 21,3
назорат	7,3 ± 0,4	7,4 ± 0,2	7,5 ± 0,1			
меъёр	< 11 б	< 11 б	2-5 нг/мл		134-836 нг/мл	
P	< 0,05	< 0,05	< 0,5	< 0,5	< 0,5	< 0,5

